

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING  
ҚАРОРИ

**56 Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш жараёнида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, фермер хўжаликларини тугатишда қонунчилик нормаларига риоя этиш кафолатларининг ишончли тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари зиммасига фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 31 январь,  
22-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 31 январдаги 22-сон қарорига  
ИЛОВА

**Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва  
уни тугатиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартибини белгилайди.

2. Фермер хўжалиги давлат мулки бўлган ер майдонини ижара шартномаси тузиш асосида узоқ муддатли ижарага бериш, фермер томонидан тегишли мажбуриятлар қабул қилиш йўли билан ташкил этилади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш** — ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва фермер хўжалигининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида унинг ер майдони ҳажмини ўзгартириш;

**фермер хўжалигини тугатиш** — фермер хўжалигини ихтиёрийлик асосида ёки мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатиш;

**тугатувчи** — фермер хўжалиги раҳбари ёки хўжалик суди томонидан тайинланадиган тугатиш комиссияси ёки жисмоний шахс;

**Комиссия** — ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси.

**II. Ихтиёрийлик асосида фермер хўжалигининг  
ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш**

4. Фермер хўжалиги ер майдонини камайтиришни назарда тутган ҳолда ихтиёрийлик асосида уни мақбуллаштириш фермер хўжалиги раҳбарининг туман (шаҳар) ҳокимига берилган ариза асосида амалга оширилади.

Ўзининг ер майдонини кенгайтирган ҳолда уни ихтиёрийлик асосида мақбуллаштиришни хоҳловчи фермер хўжалиги давлат мулки бўлган ер майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш танловида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиши керак.

Туман (шаҳар) ҳокими ариза тушгандан сўнг уч кун муддатда ҳужжатларни тегишли хулоса олиш учун Комиссияга тақдим этади.

5. Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар асосида фермер хўжалиги ер майдонини ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш масаласини бир ҳафта муддатда кўриб чиқади ва тегишли хулоса чиқаради. Бунда Комиссия фермер хўжалигига биркитилган ер майдонини яхлит ҳолда кўриб чиқади.

6. Туман (шаҳар) ҳокими Комиссиянинг ижобий хулосаси асосида бир

хафта муддатда ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда бўшаб қолган ер майдони олиб қўйилади ва келгусида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабгорларга танлов асосида берилади.

7. Ихтиёрийлик асосида амалга оширилган мақбуллаштиришдан сўнг фермер хўжалигида қолган ер майдони «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган минимал миқдордан кам бўлмаслиги керак, деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги учун ижарага бериладиган ер майдонининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун — камида 30 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун — камида 5 гектар бўлади. Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштиришда ер майдони контурларининг яхлитлиги бузилишига йўл қўйилмайди.

8. Туман (шаҳар) ҳокимининг ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилади, Комиссия ўн кун мобайнида туман (шаҳар) ҳокимининг қарорини тасдиқлайди ёки уни рад этиш тўғрисида асосланган қарор чиқаради.

9. Туман (шаҳар) ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг, туман (шаҳар) ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари ўртасида тузилган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасига ўзгартиришлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

10. Ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

11. Фермер хўжалигини ихтиёрийлик асосида тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

**III. Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми  
бузилишининг ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз  
юрителишининг аниқланган ҳолатлари асосида фермер  
хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва  
уни тугатиш**

12. Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилишининг ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз юритилишининг аниқланган ҳолатлари асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси билан амалга оширилади.

13. Ер майдонини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини бекор

қилиш ва фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (туман (шаҳар) ҳокими) томонидан тақдим этиладиган даъволар асосида, хўжалик суди қарорига биноан амалга оширилади.

14. Фермер томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятлари бажарилишининг чуқур таҳлили натижасида қуйидаги ҳолатларнинг аниқланиши:

а) ер майдонини ижарага олиш шартномаси шартларининг қўпол равишда бузилганлиги, энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги — ер ресурслари ва давлат кадастри, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда туман фермерлари кенгаши томонидан;

б) фермер хўжалигини шакллантириш чоғида фермер хўжалиги ихтисослашувининг бузилганлиги — ер ресурслари ва давлат кадастри, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда туман фермерлари кенгаши томонидан;

в) ижарага берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан оқилона фойдаланмаслик, мунтазам (кетма-кет уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олинганлиги — қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ресурслари ва давлат кадастри органлари ҳамда туман фермерлари кенгаши томонидан;

г) фермер хўжалиги билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида, энг аввало, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномалари шартларининг мунтазам (кетма-кет уч йил мобайнида) бажарилмаганлиги (форс-мажор ҳолатларининг вужудга келиши ҳолатлари бундан мустасно) — қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, туман фермерлари кенгаши, шунингдек тайёрлов ташкилотлари томонидан;

д) хўжалик фаолиятининг самарасиз ва паст рентабеллик билан юритилиши — қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари, шунингдек туман фермерлари кенгаши томонидан фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш билан боғлиқ масалалар бўйича даъво аризаларини қўзғатиш ва хўжалик судига бериш учун асос ҳисобланади.

15. Аниқланган ҳолатлар юзасидан далолатнома тузилади, унга йўл қўйилган қонун бузилишлари ҳолатини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар ва материаллар илова қилинади, далолатнома мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкилотлар) вакиллари ва фермер хўжалиги раҳбари томонидан имзоланади.

16. Фермер хўжалиги раҳбари далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, далолатномада бу тўғрида ёзув қайд қилинади, у туман фермерлари кенгаши раиси ҳамда икки нафар жисмоний шахс томонидан тасдиқланади. Далолатнома икки нусхада тузилади, улардан бири фермер хўжалиги раҳбарига топширилади.

17. Далолатнома асосида мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкилотлар) бир кун мобайнида тегишли тақдимномани туман

фермерлари кенгаши билан келишилган далолатнома, шунингдек зарур ҳужжатлар ва материаллар билан бирга туман (шаҳар) ҳокимига юборадилар.

18. Туман (шаҳар) ҳокими уч кун муддатда, барча ҳужжатлар ва материалларни ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссиясига тегишли хулоса олиш учун тақдим этади.

19. Комиссия бир ҳафта муддатда, тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар таҳлили асосида ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида хулоса тайёрлайди, хулоса туман фермерлари кенгаши билан келишилган далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар билан биргаликда туман (шаҳар) ҳокимига юборилади.

20. Далолатномада кўрсатилган ҳолатлар тасдиғини топмаган ва (ёки) асосланмаганлиги аниқланган тақдирда, Комиссия мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкilotлар)нинг тақдимномасини қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиб, туман (шаҳар) ҳокимига ва кўрсатилган органлар (ташкilotлар)га билдиришнома юборди ва киритилган ҳужжатларни қайтаради.

21. Туман (шаҳар) ҳокими Комиссиянинг ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги хулосаси асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Комиссиянинг хулосасини, далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги раҳбари билан ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд унинг ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида фермер хўжалиги раҳбарига таклиф киритади.

Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад этилганда ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 384-моддасида белгиланган муддатда жавоб олинмаганда туман (шаҳар) ҳокими, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Комиссиянинг хулосасини, далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар ва материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги билан ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судига даъво аризасини юборди.

22. Ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан даъво аризаси хўжалик суди томонидан рад этилган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкilotлар)нинг тақдимномасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда Комиссияга ва кўрсатилган органлар (ташкilotлар)га билдиришнома юборди ва киритилган ҳужжатларни қайтаради.

23. Даъво аризаси суд томонидан қониқтирилган тақдирда суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб туман (шаҳар) ҳокими бир ҳафта муддатда фермер хўжалиги ер майдонини захирага олиб қўйиш ва фермер хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади, қарорга мувофиқ фермер хўжалиги ишларини бошқариш юзасидан барча ваколатлар тугатиш комиссиясига ўтади.

Тугатилган фермер хўжалигининг ер майдони олиб қўйилади ва кейин-

чалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа талабгорларга танлов асосида берилади.

24. Фермер хўжалигини тугатишда мулк ҳуқуқи билан унга қаршли бўлган иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер майдонини олиб қўйишга фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг қийматли мол-мулк бериш ва унинг кўрган зарарларини қоплаш ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаш тегишли ер майдонини уни узоқ муддатли ижарага бериш танлови натижалари асосида олган фермер хўжалиги томонидан амалга оширилади.

25. Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизомининг бузилиши ва хўжалик фаолиятининг самарасиз юритилиши аниқланган ҳолатлар асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

#### **IV. Тугатилаётган фермер хўжалигининг қарзларини тўлаш механизми**

26. Тугатилаётган фермер хўжалигининг қарзларини тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

27. Фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосида тугатилганда унинг қарзларини тўлаш тугатувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

28. Кредиторларнинг талабларини тўлиқ қондиришнинг имкони йўқлиги аниқланган тақдирда тугатувчи фермер хўжалигини иқтисодий ночор (банкрот) деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши шарт. Фермер хўжалиги банкрот деб эътироф этилган вақтдан бошлаб ихтиёрий тугатиш тўхтатилади ва бундан кейинги тартибот банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

29. Тугатилаётган фермер хўжалигининг маблағлари ва мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, унинг бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган қарзлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тақдимномасига биноан Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси қарори билан ҳисобдан чиқарилади.

30. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган қарзларнинг пайдо бўлишига йўл қўйган тугатилаётган фермер хўжалигининг мансабдор шахсларига нисбатан материал-

лар давлат солиқ хизмати органлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш ва давлатга етказилган моддий зарарни қоплаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилади.

#### **V. Яқунловчи қоидалар**

31. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар, шунингдек уни қўллашда юзага келадиган келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

32. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Фермер хўжалигининг ер майдонини  
мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

56-модда

**Ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш  
СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Тадбирлар   | Масъуллар  | Муддати  |
|-----------|---|--|--|
| 1-босқич  | Фермер хўжалиги раҳбари томонидан унга ижарага берилган ер майдонини камайтиришни назарда тутувчи ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш тўғрисида туман (шаҳар) ҳоқимига ариза тақдим этиш.  | Фермер хўжалиги раҳбари  | Қарор қабул қилинган кунда                               |
| 2-босқич  | Фермер хўжалиги раҳбарининг аризаси асосида ҳужжатларни тегишли хулоса олиш учун Комиссияга тақдим этиш.  | Туман (шаҳар) ҳоқими   | Ариза тақдим этилгандан сўнг уч кун муддатда             |
| 3-босқич  | Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар асосида фермер хўжалиги ер майдонини ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш масаласини кўриб чиқади ва тегишли хулоса чиқаради.   | Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар)комиссияси | Ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг бир ҳафта муддатда      |
| 4-босқич  | Ижобий хулоса асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади.   | Туман (шаҳар) ҳоқими   | Ижобий хулоса тақдим қилингандан сўнг бир ҳафта муддатда |
| 5-босқич  | Туман (шаҳар) ҳоқимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарорини ер майдонларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссиясига кўриб чиқиш учун юбориш. | Туман (шаҳар) ҳоқими   | Қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда       |

— 28 —

5 (557)-сон



| Босқичлар | Тадбирлар   | Масъуллар   | Муддати                                       |
|-----------|---|---|---|
| 6-босқич  | Туман (шаҳар) ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарорини кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорни тасдиқлаш (рад этиш).   | Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссияси | Ўн кун муддатда                               |
| 7-босқич  | Туман (шаҳар) ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссияси томонидан тасдиқланган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими билан фермер хўжалиги ўртасида тузилган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасига ўзгартиришлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади. | Туман (шаҳар) ҳокими  | Қарор тасдиқлангандан сўнг бир ҳафта муддатда |
|           | Туман (шаҳар) ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссияси томонидан рад этилган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими фермер хўжалиги раҳбарининг ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш юзасидан берган аризасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.                      |   |   |

Фермер хўжалигининг ер майдонини  
мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

56-модда

**Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилишининг, шунингдек  
хўжалик фаолияти самарасиз юритилишининг аниқланган ҳолатлари асосида  
фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш  
СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Тадбирлар  | Масъуллар  | Муддати  |
|-----------|--|--|--|
| 1-босқич  | Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми ва қонунчилик нормалари бузилиши, шунингдек хўжалик фаолиятининг самарасиз юритилиши ҳолатларини аниқлаш.  | Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар                                    | Иш режасига мувофиқ                                  |
| 2-босқич  | Аниқланган бузилиш ҳолатлари юзасидан далолатнома тузилади, унга қонунчилик нормалари бузилиши ҳолатларини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар ва материаллар илова қилинади ва у мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатиб ўтилган органлар (ташкилотлар) вакиллари ва фермер хўжалиги раҳбари томонидан имзоланади. | Фермер хўжалиги раҳбари ва Низомнинг 14-бандида кўрсатилган тегишли органлар | Қонунчилик нормалари бузилиши аниқланган кунда       |
| 3-босқич  | Далолатнома асосида мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкилотлар) тегишли тақдимномани туман фермерлари кенгаши билан келишилган далолатнома ҳамда зарур ҳужжатлар ва материаллар билан бирга туман (шаҳар) ҳокимиغا юбордилар.   | Низомнинг 14-бандида кўрсатилган тегишли органлар                            | Бир кун муддатда                                     |
| 4-босқич  | Туман (шаҳар) ҳокими барча ҳужжатлар ва материалларни ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссиясига тегишли хулоса олиш учун тақдим этади.   | Туман (шаҳар) ҳокими   | Далолатнома киритилган кундан бошлаб уч кун муддатда |

— 30 —

5 (557)-сон

| Босқичлар | Тадбирлар  | Масъуллар   | Муддати   |
|-----------|--|---|---|
| 5-босқич  | Комиссия тақдим этилган ҳужжат ва материаллар таҳлили асосида ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида хулоса тайёрлайди, уни туман фермерлари кенгаши билан келишилган далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар билан бирга туман (шаҳар) ҳокимига юборади.   | Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси | Ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг бир ҳафта муддатда |
| 6-босқич  | Туман (шаҳар) ҳокими Комиссиянинг ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги хулосаси асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Комиссиянинг хулосаси, далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар ва материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги билан ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд унинг ер майдонини мақбуллаштириш юзасидан фермер хўжалиги раҳбарига таклиф юборади.                            | Туман (шаҳар) ҳокими  | Хулоса тақдим этилгандан сўнг уч кун муддатда       |
| 7-босқич  | Фермер хўжалиги раҳбари томонидан шартномани бекор қилиш таклифи қабул қилинган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими фермер хўжалиги ер майдонини захирага олиб қўйиш ва уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.  | Туман (шаҳар) ҳокими  | Розилик олингандан сўнг уч кун муддатда             |
|           | Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад этилганда ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 384-моддасида белгиланган муддатда жавоб олинмаган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Комиссиянинг хулосаси, далолатнома ва бошқа зарур ҳужжат ва материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги билан ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судига даъво аризаси юборади. | Туман (шаҳар) ҳокими  | 30 кунлик муддат тугагач                            |

| Босқичлар | Тадбирлар   | Масъуллар   | Муддати  |
|-----------|---|---|--|
| 8-босқич  | Ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан даъво аризаси хўжалик суди томонидан рад этилган тақдирда туман (шаҳар) ҳоқими мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкilotлар) тақдимномасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. | Туман (шаҳар) ҳоқими  | Уч кун муддатда                                    |
|           | Даъво аризаси суд томонидан қониқтирилган тақдирда суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб туман (шаҳар) ҳоқими фермер хўжалиги ер майдонини захирага олиб қўйиш ва уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.                         | Туман (шаҳар) ҳоқими  | Бир ҳафта муддатда                                 |
| 9-босқич  | Тугатилган фермер хўжалигининг ер майдони олиб қўйилади ва кейинчалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа талабгорларга танлов асосида берилади.  | Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси | Туман (шаҳар) ҳоқимининг қарори кучга кирган кунда |